

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 12/1 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

## **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР) .....	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI .....	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ VA'ZI MAROSIMLAR .....	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ .....	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> ТО'ДА-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI .....	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT VOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'alov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA) .....	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR .....	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA) .....	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР .....	69-74
<i>Qurbonova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI .....	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida) .....	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ .....	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i> O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI .....	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i> GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	96-101
<i>Esanova Nilufar</i> O'ZBEKISTON-TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA) .....	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли</i> АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ .....	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	118-124
<i>To'xtamishева Fotima Musurmonovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i> SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI .....	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i> QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXELOGIK YODGORLIKLARINING O'RGANILISH TARIXIDAN .....	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherzovich</i> O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i> VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI .....	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i> SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI .....	156-161
<i>Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна</i> ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ .....	162-172

<i>Зухриддин Болтаевич Жунаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар) .....	173-181
<i>Mamadiev Voxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON .....	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOYIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI) .....	187-197
<i>Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ .....	198-203
<i>Азаматова Гулмира Байирбековна</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР .....	204-208
<i>Tishabayeva Iroдахon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI .....	209-215
<b>08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Ostonokulov Azamat Abdulkarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI .....	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILYIY- IQTISODIY MEKANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI .....	227-232
<i>Отабеков Отажон Ғайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ .....	233-243
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ .....	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARNING SODIQLIGI VA QONIQLASHINING AHAMIYATI .....	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i> ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i> KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY MONIYATI ....	292-296
<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ .....	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI .....	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ....	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i> ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ .....	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i> TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS .....	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i> OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING ANAMIYATI .....	341-348
<i>Мусинов Дилшод Султанович</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГИ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i> ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ .....	360-368
<i>Абдивоҳидов Мамуржон Авазхон ўғли</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i> DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA .....	381-388
<i>Қурбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i> РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i> ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ .....	404-416

<i>Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich</i> KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEKANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI .....	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i> SANOAT TARMOQLARI KLASTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI .....	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i> ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ .....	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i> ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ .....	441-447
<i>Хамзайева Дилфуза Самаровна</i> SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI .....	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i> ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ .....	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i> ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ .....	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmurotovich</i> INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI .....	468-479
<i>To'uchiyeva Nodira G'ulom qizi</i> OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT .....	480-485
<i>Абдурахимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ .....	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i> TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI .....	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna</i> ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES .....	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i> AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA .....	507-512

### 09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i> ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR .....	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i> ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ .....	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ҲОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ .....	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i> YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIIY SALBIY OMILLAR .....	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich</i> QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI .....	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i> BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI .....	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i> AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR .....	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i> OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI .....	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i> AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIIYASIDA TUTGAN O'RNI .....	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i> JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA .....	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI .....	582-586
<i>Агзамова Нилюфар Шухратовна</i> “АДАБ АЛЬ-ТАБИБ” КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ .....	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i> INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA .....	592-596
<i>Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li</i> DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIYASI .....	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI .....	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i> O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI .....	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i> YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI .....	616-625
<i>Шоназаров Жамшид Шуҳратович</i> БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ .....	626-630
<i>Ҳамраев Сирож Абруевич</i> ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ .....	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i> MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIY TAJRIBASI .....	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i> HARBIY IJTIMOYIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI .....	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i> AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY ZARURIYATI .....	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI .....	656-661

*07.00.00 – Тарих фанлари*

**Рахматиллаев Хасанбой**

Фарғона давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси  
доценти, тарих фанлари номзоди

[arakhmatillayev@list.ru](mailto:arakhmatillayev@list.ru)

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР**

**Аннотация.** Қадимги тарихни ўрганишда археологик усулларни қўллашдан ташқари палеоантропологик ва этнологик усулларни ҳам қўллаш, олинадиган натижаларни кўпайтиришга ва кенгайтиришга ёрдам бериши Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари мисолида очиб берилди. Ибтидоий давр археологик комплексларида группали кўмиш одатларининг бўлмаганлиги сабабли битта-иккита қабрни топилиши билан олинган антропологик материал одам типини ёки турини аниқлашда у қадар ишончли, яхши материал бермайди. Чунки, жисмоний типни аниқлашнинг энг муҳим жиҳати бу антропологик материалнинг кўплиги унинг ишончлилиқ даражасининг гаровидир. Шу каби масалалар ушбу мақолада таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Бақтрия, Сўғд, Жарқутон, Кучук-И, Яз-И, Сангир-И, илк темир даври, дафн маросими, инсон суяклари, тозаланган суяклар, зардуштийлик, Чуст, Бургулукский.

**Rakhmatillaev Khasanboy**

Fergana State University

Department of World History Associate Professor,  
candidate of Historical Sciences

### **ON SOME PROBLEMS AND METHODS IN CREATING THE ANCIENT ETHNIC HISTORY OF CENTRAL ASIA**

**Abstract.** The article shows the advantages of an integrated approach to the study of ancient history, in addition to the archaeological method, methods of paleoanthropology and ethnology, using the example of the archaeological study of the settlement of Sapallitepa and Dzharkutan. Due to the lack of group burial customs in primitive archeological complexes, the anthropological material obtained by the discovery of one or two graves does not provide such a reliable, good material in determining the type or type of man. Because the most important aspect of determining the physical type is the abundance of this anthropological material as a guarantee of its level of reliability. Similar issues are analyzed in this article.

**Keywords:** Bactria, Sogd, Dzharkutan, Kuchuk-I, Yaz-I, Sangir-I, early Iron Age, burial rite, human bones, cleaned bones, Zoroastrianism, Chust, Burguluksky.

**Рахматиллаев Хасанбой**

Ферганский государственный университет  
кафедра всемирной истории доцент,  
кандидат исторических наук

## О НЕКОТОРЫХ ПРОБЛЕМАХ И МЕТОДАХ СОЗДАНИЯ ДРЕВНЕЙ ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Аннотация.** В статье на примере археологического изучения городища Сапаллитепа и Джаркутана, показана преимущества комплексного подхода к изучению древней истории кроме археологического метода, методов палеоантропологии и этнологии. Из-за отсутствия групповых погребальных обычаев в примитивных археологических комплексах антропологический материал, полученный при обнаружении одной или двух могил, не дает такого надежного и хорошего материала для определения типа или типа человека. Потому что наиболее важным аспектом определения физического типа является обилие этого антропологического материала как гарантия его уровня достоверности. Подобные вопросы анализируются в этой статье.

**Ключевые слова:** Бактрия, Согд, Джаркутан, Кучук-1, Яз-1, Сангир-1, ранний железный век, погребальный обряд, человеческие кости, очищенные кости, зороастризм, Чуст, Бугулуковский.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N11>

**Долзарблиги.** Ҳар қандай халқ ўзининг тарихини мукамал ўрганишга ҳаракат қилганидай, ҳозирги мустақил Ўзбекистонда ҳам ўзининг бой тарихига ва маданиятига эътибор бераётганлиги шубҳасиз. Бунга албатта юртимиздаги тинчлик, қўни-қўшни мамлакатлар билан кенг қамровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда олиб борилаётган оқилона сиёсат ўз тарихини чуқур ва холисона тарзда, ҳамда теран тафаккур заминида илмий тадқиқ этишга имкон яратиб бермоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ тарихчилар олдида энг долзарб ва устувор вазифаларни қўйди. Бу вазифалардан бири ўзбек халқининг келиб чиқиши бўлиб, уни ўрганишда энг аввало археология, этнология ва антропология фанларининг ёрдамисиз ҳеч қандай қадимги тарихни ўрганиб бўлмаслиги аниқдир. Айниқса, тарихни холисона тадқиқ этишда этнология — элшунослик фани ҳам салмоқли ўринга эгадир.

Антропология фани эса, инсониятни энг қадимги даврларидан шу кунимизга қадар жисмоний ўзгариб бориши жараёнларини ўрганadi. Бошқача қилиб айтганда инсониятни ташқи кўринишини ўзгариб бориши босқичларини ҳам ҳудудий жиҳатдан, ҳам хронологик жиҳатдан ўрганиш имкониятини беради.

**Методлар ва ўрганилганлик даражаси.** Антропология фани инсоният шажарасидаги энг қадимги маймун-одамнинг ташқи кўриниши, унинг қон таркиби масаласи, кейинги ривожланиш босқичлари, ўрта палеолит даврида неандертал одам билан кроманион одам ўртасидаги яқинлик, яъни Обираҳмат ғоридан олинган суякларнинг генетик таҳлили (ДНК) сининг 4% ҳозирги замон одамига, яъни кроманион одамига ўтганлиги аниқланди. Дунёдаги генетик олимларнинг катта меҳнати натижасида қадимги даврлардан қолган одамнинг суяк парчаларини таҳлил қилиб ҳам ДНК сини аниқлаш услублари Европа олимлари томонидан топилди. Айнан шу янги усулни Новосибирсклик олимлар Обираҳмат ғорининг ўрта палеолитдан юқори палеолит даврига оид оралиқ қатламлардан топилган суякларни ўрганишда қўллашди [13: б. 116–125]. Худди шундай таҳлилни улар Олтой тоғларидаги Денисов ғори материалларини ўрганиш даврида ҳам амалга оширдилар. Бу ғорда ҳам ўрта палеолитдан юқори палеолитга ўтиш даври одамларининг суяклари топилган эди ва уни ўрганиш натижаси ҳам Обираҳмат ғори одамларидан олинган анализ натижаларига ўхшаш чиқди [9].

Фақат Денисов ғоридан эмас, жаҳоннинг кўплаб ҳудудларидан топилган одамсимон маймун, одам суяклари ва умуман одамнинг биологик жиҳатдан тараққиёти бўйича биология фанлари доктори, профессор Александр Марков томонидан

чиқарилган 3 та китобдан иборат йирик илмий асарда инсониятнинг келиб чиқиши ва унинг тараққиёти таҳлили чуқур анализ қилинган. Бу асар аввало илм аҳли учун, шу билан бирга талабалар учун, ҳамда кенг омма учун тушунарли тилда ёзилган. Шунинг учун бу китобни инсониятнинг энг қадимги тарихини ўрганишда ўрни жуда каттадир [8].

Одамларнинг кейинги тараққиётидаги уруғ-қабилавий ривожланишини жисмоний ҳолатини ҳам, айниқса одамнинг юз ва бош қисмини математик ўлчовлар йўли билан ўрганишни палеоантропология фани амалга оширади ва бу ишнинг охирига натижаси сифатида ўша қадимги давр одамларининг антропологик типи аниқланади, демографик ҳолат, туғилиш, ўлиш, ўртача ёш масаласи, иқтисодий ҳолатнинг таъсири масаласи ўрганилади. Худди шундай усул билан бирин-кетин келган антропологик комплекслар ўрганилиб, этнодинамик ҳолат аниқланади, ёки этнодинамик ҳолат бўйича умумий тасаввур ҳосил бўлади.

Юқорида келтирилган демографик ҳолат, ёш болаларнинг ўлими, аҳолининг ўртача ёши каби масалалар тарихимиздаги жуда кўплаб масалаларни, айниқса мамлакатдаги иқтисодий аҳвол, эпидемик ҳолат, аҳолининг турмуш тарзи каби масалалар билан бевосита боғлиқ бўлади. Айнан шу масалаларни палеоантропологик материалларнинг таҳлили билан солиштирилганда ўша ўртача ўлимни паст ёки баландлиги масаласи тўғри ҳал қилинган бўлади.

Ибтидоий давр археологик комплексларида группали кўмиш одатларининг бўлмаганлиги сабабли битта-иккита қабрни топилиши билан олинган антропологик материал одам типини ёки турини аниқлашда у қадар ишончли, яхши материал бермайди. Чунки, жисмоний типни аниқлашнинг энг муҳим жиҳати бу антропологик материалнинг кўплиги унинг ишончлилик даражасининг гаровидир. Бир даврга оид антропологик материал қанчалик кўп бўлса, маълум бир типни математик усуллар билан корреляция қилиш имкониятини беради ва шу билан бирга ундаги аниқлик даражаси ҳам ошиб бораверади.

**Тадқиқот натижалари.** Осиё шароитида энг қадимги шаҳар қабристонини А.А.Асқаров томонидан ўрганилган ва худди шу қабристонда мингдан ортиқ қабрлар очилган. Бу қабрлар милоддан аввалги II-минг йилликнинг биринчи чорагидан охирига чорагигача бўлган даврларга оид бўлиб, унинг бирин-кетинлиги масаласини ўрганиш жуда мураккаб масала эди, аммо бу масала қанчалик қийин бўлишига қарамасдан тўғри ҳал этилди [5: б. 172; 6]. Қабристонга 500-йилдан кўп вақт мобайнида одамлар қўйилган бўлиб, табиийки, бунча кўп вақт мобайнида шаҳарсозлик маданияти ҳам аста-секинлик билан ўзгариб борган. Шунинг учун А.Асқаров фақат сополли деҳқончилик маданиятини ривожланиши тарихи давомида яқин 5 та хронологик босқичлар бўлганлигини айнан қабрлардан топилган кулолчилик идишларининг хилларини ўзгариш жараёнларига қараб аниқлади. Булар 1) Сополли босқичи, 2) Жарқўтон босқичи, 3) Кўзали босқичи 4) Муллали босқичи ва 5) Бўстон босқичларидир.

Сополли давридаги кўмиш маросими билан Жарқўтон давридаги кўмиш маросими ўртасида жуда катта фарқ бўлган. Сополли даври хронологик жиҳатдан энг қадимги босқич бўлиб, бу даврда уруғ-қабилла тизими кенг авж олган давр эди. Шунинг учун бўлса керак, хонадондаги ўлган одамни шу ернинг ўзига, яъни уйнинг хоналарини деворининг тагидан қабр қазиб, ўша ерга кўмиш одати ҳукмронлик қилар эди.

Албатта қабрларни ўрганиш, уларни шаклидан бошлаб, қандай усулда қазилганлиги ва ичига қўйилган майитни қандай ётқизилганлиги, шу билан бирга ёнига қўйилган буюмларнинг кўп ёки озлиги, қандай қўйилганлиги ва ҳ.к.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари бўлмиш Сурхон воҳасида олиб борилган палеоантропологик материални ўрганишдан асосий мақсад асосан 2 та бўлиши керак эди:

1. Демографик ва морфологик материалларни олиш.

2. Биринчи пунктдаги демографик ва морфологик ўрганишдан олинган материалларни анализ қилиш ҳисобига иқтисодий, ҳаёт кечириш учун шароит масалаларини ҳолати, уни инсониятни кўпайишига таъсири масалалари, қўшни ҳудудлар билан солиштириш натижасида морфологик ва генетик бирлик масаласини ҳал қилиш мумкин.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидан бўлмиш Сурхон воҳасида очилган Сополлитепа ёдгорлиги бронза даврининг бошлариданоқ бу ерда патриархат давридаги йирик патриархат оила яшаганлиги аниқланди. Уларнинг удумига кўра, ўлган ўлик шу хонадоннинг ўзига дафн этилган. Одатда хонанинг деворини тагига, ёки полининг тагидан катакомба шаклидаги ўра қазилиб, майитни она қорнида ётгандай, ғужанак ҳолатга келтирилиб қўйилган [4]. Ўлик аёл киши бўлса, чап ёнбошига, эркак киши бўлса ўнг ёнбошига ётқизирилиб, унинг ёнига озиқ-овқат, қўшимча идиш товоқ, тириклигида ишлатган асбоб-ускуналари, қуроллари, аёл киши бўлса, тақинчоқлари билан бирга кўмилган.

Худди шу воҳадаги Жарқўтон ёдгорлигида эса, юртимиздаги энг қадимги шаҳар-давлатнинг илк намунаси очилди. Шаҳарнинг ҳоким саройи, шаҳар аҳлининг ибодати учун керак бўладиган йирик ибодатхонаси, шаҳар аҳли яшайдиган маҳаллалари ва энг муҳими бошқа худди шундай шаҳарлар қазилганда топиш имконияти бўлмаган шаҳар қабристони топиб очилган [14: б. 87–97]. Бу албатта фавқулодда сақланиб қолган ва шунинг учун ҳам унинг аҳамияти бронза давридаги этнодемографик ҳолатни аниқлаш учун аҳамияти жуда катта бўлди [6].

Сополлитепа ёдгорлигида ва шунингдек Жарқўтон ёдгорлигидаги палеодемографик материаллар яхши сақланганлиги сабабли бу объектлар бўйича жуда кўплаб ижтимоий-иқтисодий, тарихий-маданий хулосаларни олиш имконияти туғилди ва буни Россиялик антрополог олимлардан В.П.Алексеев, ўзбек антропологларидан Т.К.Ходжайов ва Ҳ.Ҳ.Ҳалиловлар жуда мукамал даражада қиёсий ўрганиб, йирик палеоантропологик хулосалар чиқаришга муваффақ бўлдилар [1: б. 399]. Жумладан, Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларининг материалларини ўрганиш, аниқса туғилиш, болалар ўлимининг даврма-давр ўзгариши, кўмилганларнинг ўртача ёши масаласи, умр кўришнинг жуда қисқа эканлиги, қизларнинг эрта турмушга чиқиши масаласи, Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларини жуда ҳам яқинлиги, шу сабабли икки ўртада никоҳ муносабатларининг доимий бўлиб турганлиги, ҳар икки ёдгорликнинг яқинлиги, экологик жиҳатдан, яъни табиий иқлимий ресурсларнинг ўхшашлиги, уларнинг умумий яқинлиги ва ҳатто қариндошлигидан келиб чиққан бўлиши кераклиги муфассал ўрганилди.

Жарқўтон ва Сополлитепа ёдгорликларини ўрганиш, бир-биридан жуда ҳам кам миқдордаги унчалик тўғри келмайдиган белгиларни ҳисобга олмаганда уларни ҳаммаси, қон-қардош халқлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади ва яна муҳими, асли келиб-чиқиши жиҳатидан Сополлитепа аҳолиси билан бир бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Юқорида айтилган локал характердаги ўзига хосликлар одамларда бўладиган морфологик белгиларни авлоддан авлодга томон ўзгариб бориш жараёнлари билан ҳам боғлиқ.

Юқорида келтирилган Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан олинган кўпроқ локал характердаги белгиларга эга бўлган антропологик материаллар битта кичик ҳудудда, лекин бирин-кетин келган хронологик босқичларга эга бўлган бўлса, худди шу ҳолатни кенгроқ ҳудудлардаги худди шундай жараёнлар билан солиштирилганда янада муҳим бўлган йирик, кенг қамровли маълумотлар олинди.

Жумладан, шимолий Афғонистон, жанубий Ўзбекистон ва жанубий Тожикистон ҳудудларининг бронза даврига оид археологик обидаларидан олинган антропологик материаллар таҳлил қилинганда уларнинг келиб чиқишида Марказий Эрон ҳудудларидаги аҳолининг антропологик белгилари яққол кўзга ташланиши аниқланган.

**Хулосалар.** Бундай таҳлилий антропологик хулосалар генетик таҳлилий хулосалар билан ҳам текшириб кўрилганда уларнинг натижалари айнан палеодемографик усуллар билан олинган таҳлилий натижаларга жуда тўғри келади. Булардан ташқари Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий ҳудудларидаги этнодемографик ҳолатнинг шаклланишида қадимги халқларнинг кўчиши, ҳамда уларнинг йўлларига тўғри келади. Бу дегани қадимги аҳолининг кўчиши, ўз-ўзидан бўлган эмас, балки тарихий шаклланган йўллар орқали силжишганини кузатиш мумкин. Худди шундай аҳоли силжиши милоддан аввалги XXV асрда бўлганлигини археологлардан В.И.Сарианиди Жанубий Туркменистон ҳудудида аниқлаган. Унинг фикрича, Жанубий Туркменистондаги Гонурдепе ёдгорлиги милоддан илгариги XXV асрда Қадимги Шарқ ҳудудларидаги ксеротермик иссиқ иқлимнинг туриб қолиши туфайли қадимги деҳқон жамоаларининг ўз уйларини, ватанларини ташлаб нисбатан салқинроқ бўлган Марв воҳасига кўчиб ўтишгани, Гонурдепа ўрнидаги йирик диний-сиёсий марказни ташкил этишда қатнашганликларини айтган. Бу марказ Авестода Моуру тарзда эслатилганлигини, бу йирик давлатни ташкил топишида жанубдан келган деҳқон жамоалари асосий роль ўйнаганини ёзади [11; 12].

Аҳолининг маълум бир ҳудудда шаклланишига таъсир этадиган омиллардан яна бири тарихий-маданий алоқалар бўлиб, ҳар қандай табиий равишда ҳосил бўлган тарихий-маданий ҳудуд чегарасида қон-қариндошлик алоқаларини кетиши аниқ. Худди шундай тарихий-маданий ҳудудлар ўртасида ҳам қон-қардошлик алоқалари бўлиши тарихимизнинг ҳамма даврларидан ҳам маълум.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Alekseev V.P., Khodzhayov T.K., Khalilov Kh.Kh. Population of the upper reaches of the Amu Darya according to paleoanthropology data. – Tashkent.: Fan, 1984.
2. Askarov A.A. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan. – Tashkent: Fan, 1977.
3. Askarov A.A. The problem of the formation of early urban culture in the south of Uzbekistan and its connection with Hindustan. Ancient cultures of Central Asia and India. – Tashkent: Fan, 1984.
4. Askarov A.A. Copolitepa. – Tashkent: Fan, Tab. 1-11.
5. Askarov A.A. Sapallitepa. – Tashkent: Fan, 1973.
6. Askarov A.A. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan. – Tashkent: Fan, 1977.
7. Isamiddinov M.Kh. Historical anthropology. Textbook. – Tashkent, 2000.

8. Markov Alexander. Human evolution. Volume I. – M.: Astrel: Corpus. 2011.
9. Mirsoatova S.T. Stone Age archeology of Uzbekistan. – Fergana. Fergana Publishing House, 2017.
10. Rahmatillaev X. Ethnodynamics of the population of the Fergana Valley. –Tashkent: NEW EDITION, 2013.
11. Sarianidi V.I. Gonur Depe. City of kings and gods. – Ashgabat, 2008.
12. Sarianidi V.I. Research of Gonur-Depe in 2008-2011 Proceedings of YUTAKE. Т. 4. – Ashgabat, 2012.
13. Isomiddinov M.H. Historical anthropology. Textbook. – Tashkent: Navruz, 2019.
14. Askarov A.A. The problem of the formation of early urban culture in the south of Uzbekistan and its connection with Hindustan. Ancient cultures of Central Asia and India. – Tashkent: Science, 1984.
15. Isamiddinov M. The history of emergence of Sughd Cities // EPRA International Journal of Research and Development. Volume:5, Issue:10, October 2020 India. – P. 125–128.
16. Mirsoatova S.T. New data on the late paleolithic of the Fergana valley // Евразийский союз ученых (2020. – № 10 (79/4). – P. 25–29.
17. Farmanova G.K. The role of the geographic environment and climatic conditions in the formation of economic-cultural type of population when during ancient and antic period // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 10, Issue 11, November 2020. – P. 1612–1622. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01639.0.
18. Rakhmatillayev H. Ethnodynamics of the city population of the Fergana valley of the first half of the XX century // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:5, May 2020. – P. 532–535.
19. Arslonzoda R. Memoirs as asourse on the history of Uzbekistan in the second half of the 19<sup>th</sup> – early 20<sup>th</sup> centuries // EPRA International Journal of Research and Development. Volume: 5, Issue:10, October 2020. – P. 119–124.
20. Mahmudov O. *The beginning of the European renaissance*. ERPA International Journal of Research and Development. 2020; Vol. 5 (7). – P. 104–108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
21. Yuldashev S. Visit of chinese ambassador Dung Wan to Fergana // The history of the Fergana valley in new researches. – Fergana, 2021. – P. 123 – 131. <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1240>

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 12/1 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).